

## Талабалар Чирчиқда ўқув йиғини машғулотларида

Олий таълим муассасасида ўтилиши кўзда тутилган назарий машғулотларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун ҳарбий тайёргарлик якунида талабаларнинг ўқув йиғини ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу режани амалга ошириш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаси раҳбарияти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиб, талабаларнинг назарий билим ва кўникмаларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилнинг 2-3 июль кунлари Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юртида мавжуд замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув моддий техник базадан фойдаланиб, машғулотлар ташкил этилди.



Машғулотлар подполковник Рафик Минлишев раҳбарлигида ўтказилди. Отиш тайёргарлиги бўйича амалий машғулотларни ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаси тажрибали офицерлари подполковник Насрулло Бобоев, Қуролли Кучлар хизматчилари Манноп Умиров, Ахмаджон Ачиловлар ташкил этилиб, унда курсантлар Мурод Шамсиев, Фарҳод Тохиров, Ислом Файзуллаевлар юқори натижаларга эришди. Шунингдек, жанговар машиналарни амалий ҳайдаш бўйича Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти томонидан тайинланган машғулот раҳбари подполковник Жасур Юлдашев томонидан замонавий тренажёрларда ташкил этилиб, курсантлар Эрали Абдумажидов, Илёс Йўлдошев, Собир Бобоевлар жанговар машиналарни мураккаб жой шароитида, максимал юқори тезликда ҳаракатлантиришга эришди. Экипаж аъзоларининг танк қурол-аслаҳаларидан фойдаланишдаги ҳаракатларини ўрганиш бўйича Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти томонидан тайинланган машғулот раҳбари подполковник Файрат Арзиев томонидан ўтказилган машғулотларда курсантлар Сирож Ўтамуродов, Шерзод Холиқов, Акмал Абдуманнонов, Омонулло Абдулмаҳмудовлар экипажлари бошқа экипажларга нисбатан юқори тажрибага эга эканликларини амалда исботлашди. Бундан ташқари жанговар машиналарга техник хизмат кўрсатиш бўйича Чирчиқ олий танк қўмон-донлик муҳандислик билим юрти томонидан тайинланган машғулот раҳбари подполковник Марат Мухамедхаресов ташкил этган амалий машғулотда, курсантлар Шерзод Тошматов, Нурсултон Ибрагимов, Рамазон Йўлдошев, Шохруҳ Тиловмуродовлар юқори натижага кўрсатдилар.



Машғулотлар якунида подполковник Рафик Минлишев амалий машғулотлар давомида юқори натижаларга эришган машғулот раҳбарларига Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректорининг фахрий ёрликларини топширди.



**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти  
Ҳарбий кафедра катта ўқитувчиси, Қуролли Кучлар хизматчиси Хайдар Эргашев ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**